ЭКОЛОГИК ОМИЛЛАРНИНГ КЕРАТИТЛАР РИВОЖИ ВА КЕЧИШИГА ТАЪСИРИНИНГ 10-ЙИЛЛИК ҚИЁСИЙ ТАВСИФИ (Проспектив кузатув натижалари)

Г.Н.Маматхўжаева, З.Н.Мамасолиев, Н.С.Мамасолиев,

Р.Н.Юлдашев, Д.Б.Набиева

В статье представлены результаты десятилетних проспективных исследований влияния экологических факторов на развитие кератитов.

The article contains the results of prospective researches during the last decade the influence of the ecological factors on the development of ceratits.

Аср бошида ўтказилган ретроспектив эпидемиологик ва уч йиллик клиникометеорологик текширувларимиз кўрсатдики, офтальмо-климато-патология организмнинг ташқи муҳит билан ўзаро алоқадорлигига оид умумбиологик илмий муаммонинг ажралмас ва муҳим бир қисми бўлиб ҳисобланади.

Аниқландики, кератитларнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва клиник кечиши билан муайян метеорологик омиллар ўртасида тўғри чизиқли узвий боғлиқлик бор. Уларнинг кечишига салбий таъсир этувчи етакчи метеоомиллар сифатида ҳаво ҳарорати (ҲҲ) нинг юқори ва паст даражалари, ҳаво нисбий намлиги (ҲНН), қуёш ёғдуси (ҚЁ) ва атмосфера босими (АтБ)нинг тебраниб туриши кабилар тасдиқланди. Мазкур боғлиқлик қай даражада ишончли экани масаласида турлича фикрлар билдирилганини ҳисобга олиб ва аниқ хулоса қилиш мақсадида проспектив – 10 йиллик кузатув ташкил этишни лозим топдик. Проспектив эпидемиологик ва клиникометеорологик тадқиқотнинг асосини 1999 йилда текширилган кератит билан хасталанган мижозларни 2009 йилда такроран ва айнан илк текширув дастури бўйича тадқиқ этиш ташкил этди. Халқаро миқёсда бу каби ёндашув устувор илмий йўналиш сифатида эътироф этилади, чунки: 1) бунда кератитларнинг у ёки бу хатар омилига алоқадорлиги тўла исботини топади, 2) касалликнинг клиник кечиши мутлақ маълум бўлади ва унга оид профилактик ҳамда даволаш дастурларини янада самарадорлаштириш учун натижаларга эга бўлинади, 3) касалликнинг хатар омиллари кашф этилади ва даволаш усуллари такомиллашади.

10 йиллик проспектив текширувда такроран 117 та кератит билан хасталанган беморлар текширилди ва уларга алоқадор бўлган асосий хатар омилларининг 10 йиллик динамикаси ўрганилди.

Таҳлиллар ўн йил ўтиб ҳам асосий метеорологик омилларнинг тебраниб туриши кератитлар учун патоген омил сифатида намоён бўлишини тасдиқлади. Чунончи, 1999 ва 2009 йилларда ҚЁ нинг тебранишлари ортиши билан кератитларнинг қуйидагича кўпайиб бориш тенденцияси кузатилади: инфекцион кератит (ИК) нинг 8,0 (1999) ($P<0,001$) ва 1,8 баробарга (2009) етиб ($P<0,05$), герпетик кератит (ГК)нинг – 4,2 ($P<0,001$) ва 1,9 мартага ($P<0,01$), мугуз парда яраси (МПЯ) нинг ҳам – 4,2 ($P<0,001$) ва 1,9 баробарга ($P<0,01$), дистрофик кератит (ДК) нинг – 4,2 ($P<0,001$) ва 3,8 мартага ($P<0,001$), жами кератитларнинг – 11,6 ($P<0,001$) ва 3,1 ($P<0,001$) баробарга ортиши тасдиқланди.

АтБ таъсирининг кучайиши ва пасайишига боғлиқ ҳолда инфекцион кератитлар – 51,8 ва 1,5% ($P<0,001$) ҳамда 47,7 ва 3,8% дан ($P<0,001$), ГК – 5,1 ва 0,0% ($P<0,001$) ҳамда 4,8 ва 0,0% дан ($P<0,001$), ДК – 1,7 ва 0,0% ҳамда 0,0% дан ($P<0,01$), жами кератитлар – 69,5% ва 1,5% ($P<0,001$) ҳамда 60,6 ва 4,8% дан ($P<0,001$) тафовут билан қайд этилди. Худди шундай тенденция ҲНН тебранишларига алоқадорликда ҳам кузатилди: текширув илк (1999) ва охирги даврда (2009) ушбу МО нинг ортиб ва камайиб тебраниб туришига монанд ҳолда ИК – 34,4 ва 24,6% ($P<0,05$), 37,5 ва 21,1% дан ($P<0,05$), ГК – 3,4 ва 1,7% ($P<0,01$), 14,4 ва 2,8% дан ($P<0,001$), МПЯ – 6,8 ва 4,2% дан ($P>0,05$) ҳамда 19,2 ва 4,8% дан ($P<0,001$), ДК – 1,7 ва 0,0% ($P<0,001$) ҳамда 1,9 ва 0,0% ($P<0,01$), жами кератитлар – 45,8 ва 30,5% ($P<0,05$), 73,1 ва 28,4% дан ($P<0,01$) ортиши ва камайиши аниқланади.

Ҳаво ҳарорати тебранишларининг кератитларга салбий таъсири 10 йил ўтиб ҳам тўла тасдиқланди. Жумладан, уларга боғлиқ ҳолда ИК – 18,6 ва 1,7% дан (P<0,001) ҳамда 47,1 ва 5,9% дан (P<0,001), ГК – 0,8 ва 0,0% (P<0,05) ҳамда 4,8 ва 0,0% дан (P<0,001), МПЯ – 0,8 ва 0,0% (P<0,05) ҳамда 8,7 ва 0,9% дан (P<0,001), ДК – 0,0%, 1,0 0,0% дан (P<0,01), жами кератитларнинг 20,3 ва 1,7% дан (P<0,001) ҳамда 68,9 ва 6,7% дан (P<0,001) даражада ўзгариб аниқланиши кузатилди.

Демак, проспектив текширув натижаси ҳам асосий метеоомилларнинг кератитларнинг юзага келишида патоген ёки хатар омили сифатидаги салбий таъсирлари яна бир бора тасдиқланди дейишга асос беради.

Ушбу хулосани янада чуқурлаштириб тасдиқлаш мақсадида кератитлар билан асосий метеорологик омилларнинг суткалик тебранишлари орасидаги боғлиқлик 10-йиллик текширув натижасидан келиб чиқиб ўрганилди ва баҳоланди (2-жадвал).

2-жадвал

Кератитлар билан асосий метеорологик омилларнинг суткалик тебранишлари орасидаги боғлиқликни 10 йиллик кузатув натижалари

Ўрганилган патологик ҳолат	Барометрик босим		Ҳаво ҳарорати		Ҳаво нисбий намлиги		Қуёш ёғдуси	
	Пасайиши (r)	Кўтарилиши (r)	Пасайиши (r)	Кўтарилиши (r)	Пасайиши (r)	Кўтарилиши (r)	Пасайиши (r)	Кўтарилиши (r)
Кератитлар	+0,968	+0,976	+0,911	+0,991	+0,876	+0,984	+0,648	+0,708
	+0,970	+0,978	+0,916	+0,924	+0,879	+0,986	+0,651	+0,711

2-жадвалдан келиб чиқадики, барометрик босимнинг ҳам пасайиб, ҳам кўтарилиб туриши билан кератитларнинг қайталаниши ҳамда кўпайиши ўртасида тўғри чизиқли корреляцион боғланиш бор (r= +0,968 ва r= +0,970 ҳамда r= +0,976 ва r= +0,978 даражада ифодаланади). Худди шундай алоқадорлик ҳаво ҳарорати билан ҳам ифодаланади: ҲҲ нинг пасайиб тебранишлари ҳар икки текширувда ҳам кератитларнинг кескин кўпайишига олиб келади (r= +0,991 ва r= +0,924). Айнан шундай кучли ўзаро боғлиқлик ҲҲ нинг кўтарилиб тебранишларида ҳам аниқланади (r= +0,991 ва r= +0,924 га тенг бўлиб, 1999 ва 2009 йилларда мос ҳолда).

Ҳаво нисбий намлигининг паст ва юқори даражаларда тебраниб туриши ёки қуёш ёғдуси таъсирининг пасайиши ва ортиши ҳам кератитларга кучли патоген таъсир ўтказади: кератитларнинг ҳам клиник кечишидаги ўзгаришлар ва ҳам шаклланиб кўпайишлари 10 йиллик кузатувда шубҳасиз тасдиқланди.

Ўн йиллик клиникометеорологик мониторингда яна тасдиқландики, кератитларнинг барча турларининг кўпайиши ёки авжланиб клиник ифодаланиши йилнинг барча мавсумларида - атмосфера босими амплитудасининг 1-6 ва 7-14 мб га етиб тебраниб туришида, ҳаво ҳароратининг +7^{0}C дан то +20^{0}C гача етиб тебраниб туришида, ҳаво нисбий намлигининг 9-30% кўламдаги тебранишларида ва қуёш ёғдусининг 9,2-10,4с дан то 13,1-14,3 соатгача тенг бўлиб ўзгариб туришида кузатилади.

Шундай қилиб, 10 йиллик проспектив клиникометеорологик текширув кўрсатадики, иқлимий-метеорологик шароитлар билан кератитларнинг келиб чиқиши ва авжланиб кечиши ўртасида узвий тўғри чизиқли корреляцион боғланиш бор. Демак, буни эътиборга олиб, кератитларни даволаш ва профилактика амалиёти фаол олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Андижон давлат тиббиёт институти,
Андижон давлат университети
2012 йил 20 июнда қабул қилинган